

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Одамларга бир замон келадикки, унда киши молни нимадан – халолданми ё харомдан олганига парво ҳам қилмайди», дедилар**» (Имом Бухорий ва Насоий ривояти).

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ҳам Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг катта мўъжизаларидан биридир. Ушбу ҳадиси шариф Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг муборак огизларидан чиққан пайтда кўпчилик мусулмонлар молни халол-харомига қарамай олиш деган нарсани умуман ҳаёлларига ҳам келтира олишмас эди. Чунки мусулмонман, деган одам фақат халол нарсани олиши, харомдан ҳазар қилиши керак. Бу нарса асри саодатдаги мусулмонларнинг фикри-зикри, бутун вужудига сингиб кетган эди.

Аммо асрлар ўтиб, кишилар Исломдан, иймондан узоклаша боргач охир-оқибат халол билан харомни фарқ қилмайдиган ҳолатга етишди. Кишилар халолни кўйиб харомга ўзини урадиган бўлишди. Мол-дунё тўплаш йўлида ҳар қандай харомдан, жирканчликдан, пасткашликдан тап торт-майдиган бўлишди. Хаттоки, халол бўлишга уринган кишини девоналикда, ақлсизликда айблайдиган даражага етишди. Шундай қилиб, Пай-гамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг ушбу ҳадисда айтган гаплари юзага чиқди.

Аслида эса инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган нарсалардан бири ҳам халол-харомни фарқ-лашдир. Дуч келган нарсани суруштирмай ўзиники ҳисоблаб, ундан фойдаланишга ўтиш ҳайвонга хосдир. Инсон эса бу нарса халолми, харомми, яъни, фойдалими, фойдасизми, ўзиникими, ўзганикими, буни сўраб-суриштиради. Мусулмон киши эса ҳар бир нарса шариат руҳсат берган тарзда бўлиши кераклигини тўлиқ тушунган ва масъулиятни сезган ҳолда, ҳар бир харом нарса катта гуноҳ бўлишига эътиқод қилиб яшайди.

Ислом ақидаси бўйича шариатда харом ҳисобланган нарсани халол санаш кофирликдир. Харомни харом билиб туриб, ундан ҳазар қилмаслик эса, гуноҳи азимдир. Шунинг учун мусулмон киши нима халол, нима харом эканини яхшилаб билиб олиши ва халол қасбни ихтиёр қилиши керак.

Мусулмон кишига бирор таом такдим қилинса, ҳадя берилса ёки у бирор нарсани сотиб олмоқчи бўлса, у нарсанинг халол ёки харомлигини сўраб-суриштириб олсин. Чунки бундок нарсалар вазиятга қараб гоҳида вожиб, гоҳида харом, гоҳида мандуб ва гоҳида макруҳ бўлади, дейишади уламоларимиз.

1. Молнинг эгаси харомхўрлиги билан машҳур бўлса ёки молининг кўпи харомлиги маълум бўлса, сўраб-суриштириб, харомхўрнинг халол моли ва кўп харом аралашган молнинг халол қисмидан муомала қилиш вожиб бўлади.
2. Харомхўрлиги маълум бўлмаган, ўзида харомхўрлик белгиси, аломати ҳам бўлмаган кишининг молини сўраб-суриштириб, тафтиш қилиш эса, беайб мусулмон кишидан харомхўр-ликда шуб-ҳаланиш бўлгани учун харом саналади.
3. Мол эгасининг харомхўрлиги маълум бўлмаса, аммо унда харомхўрликнинг аломатлари кўринса, у билан муомала қилиш жоиз, аммо тарқ этган афзал.

Демак, сўраб-суриштириш шубҳага боғлиқ. Бир одам харом мол топиш гуноҳ эканини англаб етди. Кўлида харом аралашган мол бор, бу ҳолда нима қилади? Уламоларимиз

бундай холда куйидагиларни маслахат берадилар:

«Агар харом молнинг жинси ва миқдори аниқ бўлса, ўша аниқ жинс ва миқдори чиқаради. Агар аниқ бўлмаса, голиб чамасига кўра ажратса ҳам бўлади. Аммо кўнгли равшан бўладиган даражада ишонч билан чиқарса, яна ҳам яхши.

Кейин ўша молнинг эгасини ёки унинг меросхўрини топиб қайтариб беради. Агар у молнинг муайян эгаси бўлмаса ёки топилмаса, садака килади ёки мусулмонлар оммасига фойда келтирадиган нарсаларга ишлатилади».

Харомдан хазар қилиш мусулмонларнинг асосий фазилатларидан бири бўлганидек, шубхали нарсалардан хазар қилиш ҳам салафи солихларимизнинг одатлари бўлган. Абу Бакр Сиддик розияллоху анху шубхали нарсадан бир лукма еб қўйиб, кейин уни қусиб юборганлари маълум ва машхур.

Ривоятларда зикр қилинишича, Бишрул Хофий раҳматуллоҳи алайҳга оналари бир дона хурмо берганида еб туриб, кўчага чиқиб қайтиб қусиб юборган эканлар. Чунки ўша хурмо шубхали бўлган. Онани хафа қилмаслик учун ейилган, сўнг такво юзасидан қусилган. Иббон ибн Абу Аффош розияллоху анхундан ривоят қилинишича, Анас розияллоху анху куйидагиларни айтганлар: «Набий соллаллоху алайҳи васалламга: Эй Аллохнинг Расули, «мени дуоси қабул бўладиганлардан қилиб қўйинг, дедим. У зот: «Эй Анас, касбингни пок қилгин, дуоинг қабул бўлур. Чунки бир одам огзига бир лукма харомни солса, қирк кунгача дуоси ижобат бўлмайди», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий ривояти).

Анас розияллоху анху доимо Пайгамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг хизматларини ихлос билан қилиб юрганларидан баъзи вақтларда ушбу ривоятдагига ўхшаш нарсаларни у зотдан сўрашга журъат қилганлар. Албатта, у кишининг бу сафарги сўровлари катта саволлардан эди: «Эй Аллохнинг Расули, мени дуоси қабул бўладиганлардан қилиб қўйинг». Хар банда учун дуоси қабул бўладиганлардан бўлиш улкан бахт. У хар бир мўмин-мусулмон банданинг энг улкан орзуларидан бири.

Албатта, бундок вақтда, одатда, Пайгамбар алайҳиссаломнинг Аллох таолога дуо қилиб, Анас розияллоху анхунинг дуоларини қабул қилинадиган этиб қўйишини сўрашлари хаёлга келади. Эҳтимол, Анас ибн Молик розияллоху анху ҳам худди шу нарсани ирода қилган бўлсалар керак. Аммо Пайгамбаримиз алайҳиссалом факат Анас розияллоху анхунинг ўзига етадиган эмас, Киёмат кунгача бутун Ислом умматига етадиган жавоб бердилар: «Эй Анас, касбингни пок қилгин, дуоинг қабул бўлур. Чунки бир одам огзига бир лукма харомни солса, қирк кунгача дуоси ижобат бўлмайди», дедилар».

Охирги замон Пайгамбари, Роббил олабийнинг хабиби Мухаммад Амин соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу жавоблари умумий койда бўлиб қолди. Қайси замон, қайси маконда бўлишидан қатъи назар, хар бир мўмин-мусулмон дуоим қабул бўлсин деса, халол касб қилсин, ейдиган лукмасини халол қилсин. Ана ўшандагина дуоси қабул бўлади.

Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг ушбу жавобларидаги: «Чунки бир одам огзига бир лукма харомни солса, қирк кунгача дуоси ижобат бўлмайди» деган жумлага алоҳида эътибор берайлик. Бундан жуда оз миқдордаги харом нарса инсонга илашса ҳам унинг дуоси қабул бўлмаслиги келиб чиқади.

Бир лукма таом оз нарса, инсоннинг бир марта овқатланиши давомида ҳам бир лукма ҳеч нарсани ташкил қилмайди. Лекин сиз билан бизнинг назаримизда арзимаган бўлиб кўринган ўша бир лукма уни еган одамнинг дуосини қирк кунгача қабул бўлмайдиган этиб қўяр экан. Эҳтимол, тановул қилинган хар бир таомнинг асари инсон жисмида қирк

кунгача турса керак.

Энди инсоф билан ўйлаб кўрайлик. Хаммамизнинг килаётган касбимиз, топаётган молу мулкимизнинг бари халолми? Хаммамизнинг тановул килаётган хар бир лукмамиз халолми?

Энди нима учун дуолар қабул бўлмаётганини, нима учун ишлар юришмаётганини тушуниб етган бўлсак керак?! Ушбу улуг хадиси шарифга амал қилиб, касбимизни пок қилишимиз, бир лукма ҳам харомни оғзимизга олмаслигимиз лозим. Икки дунёнинг бахт-саодати шундадир.

(“Хадис ва Хаёт”, 11-жуз, 34-38-бетлар).